

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.31/30.12.2019.Yu.25.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯСИ**

**ЮГАЙ ЛЮДМИЛА ЮРЬЕВНА**

**ЖИНОЯТЛАРНИ ОЧИШ ВА ТЕРГОВ ҚИЛИШДА ШАХСНИНГ  
БИОМЕТРИК ИДЕНТИФИКАЦИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ  
БЎЙИЧА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАР**

**12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув  
ҳуқуқ ва суд экспертизаси**

**Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2023**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Science (DSc)**

**Югай Людмила Юрьевна**

Жинойтларни очиш ва тергов қилишда шахснинг биометрик идентификациясидан фойдаланиш бўйича инновацион ёндашувлар ..... 3

**Югай Людмила Юрьевна**

Инновационные подходы в использовании биометрической идентификации личности в раскрытии и расследовании преступлений ..... 31

**Yugai Lyudmila Yurievna**

Innovative approaches to the use of biometric identification in the detection and investigation of crimes..... 59

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 64

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.31/30.12.2019.Үн.25.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯСИ**

**ЮГАЙ ЛЮДМИЛА ЮРЬЕВНА**

**ЖИНОЯТЛАРНИ ОЧИШ ВА ТЕРГОВ ҚИЛИШДА ШАХСНИНГ  
БИОМЕТРИК ИДЕНТИФИКАЦИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ  
БЎЙИЧА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАР**

**12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув  
ҳуқуқ ва суд экспертизаси**

**Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2023**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.DSc/Yu178 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://akadmvd.uz/uz/nauka/deyatelnost-nauchnogo-soveta>) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:** Расулев Абдулазиз Каримович  
юридик фанлар доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** Тўхташева Умида Абдиловна  
юридик фанлар доктори, профессор

Ражабова Мавжуда Абдуллаевна  
юридик фанлар доктори, профессор

Рахмонова Сурайё Махмудовна  
юридик фанлар доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** Тошкент давлат юридик университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/30.12.2019.Yu.25.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил 3 февраль кuni соат 14:30 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел./факс: (99871) 265-22-52/(99871) 265-17-53; e-mail: [info@akadmvd.uz](mailto:info@akadmvd.uz)).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1268-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел.: (99871) 265-22-52.

Диссертация автореферати 2023 йил 18 январь кuni тарқатилди.  
(2023 йил 18 январдаги 3-рақамли реестр баённомаси).



**А. С. Турсунов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

**Дж. Х. Юлдашев**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар доктори, доцент

**М. З. Зиёдуллаев**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

## КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда рўй бераётган глобал технологик тараққиёт, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий соҳадаги ўзгаришлар, минтақавий ва қуролли тўқнашувлар кескинлашуви, кибержиноятчилик ва диний экстремизмнинг кучайиши, миграция жараёнларининг жадаллашуви, чегаралар орқали юк ва йўловчи ташиш ҳажми ҳамда антропоген фалокатларнинг ошиши шароитида шахсини идентификация қилишнинг ишончли тизимларига бўлган зарурат муҳим аҳамият касб этмоқда. БМТнинг гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси маълумотларига кўра, Шимолий ва Жанубий Америкада одам ўлдириш жинояти ҳар 100 минг аҳолига 15,6 та, Африкада эса энг юқори кўрсаткич, яъни – ҳар 100 минг аҳолига 17,4 та, Осиё минтақасида ҳар 100 минг аҳолига 2,4–4,3 тани ташкил қилади<sup>1</sup>. Одам савдоси қурбонларининг умумий сони эса 40 миллион кишидан ортган<sup>2</sup>. Бу эса, ўз навбатида, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан мазкур жиноятларни очиш ва тергов қилишда биометрик идентификациялаш восита ва усулларида фойдаланиш имконини берувчи замонавий криминалистика фанининг инновацион ютуқларини жорий этишни тақозо этади.

Жаҳонда шахсининг криминалистик идентификациялашнинг шаклланиши ва унинг ривожланиш тенденцияларининг назарий жиҳатларини концептуал ўрганиш, таниб олинмаган мурдаларнинг шахсини аниқлаш, шунингдек, жиноят содир этган шахсларни қидиришнинг янги суд-экспертиза усуллари аниқлаш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада криминалистик биометрик рўйхатга олишни қўллашнинг ҳуқуқий механизмлари ва усуллари такомиллаштириш, биометрик маълумотларни тўплаш, сақлаш, улардан фойдаланиш ва алмашиш бўйича илмий-назарий ечимларни излаш, шунингдек, жиноятларни очиш ва тергов қилиш фаолиятида шахсни биометрик идентификациялашни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва истиқболларини ўрганиш масалалари тобора муҳим аҳамият касб этади.

Янги Ўзбекистонда «Ҳаракат стратегияси» ва «Тараққиёт стратегияси»нинг ижроси доирасида биометрик идентификациялаш тизимларидан фойдаланиш чора-тадбирларини такомиллаштириш бўйича кенг қўламли ислохотлар амалга оширилиб, асосий эътибор биометрик ҳужжатларни амалиётга жорий қилишга, «Хавфсиз шаҳар» аппарат-дастурий комплексини амалга ошириш доирасида видеокузатув тизимларини ўрнатишга, Ягона биометрик тизимни жорий этишга, 2023 йилдан бошлаб геном бўйича давлат рўйхатига олишга қаратилмоқда. Натижада, 2020 йилда фото ва видео ҳисобга олиш тизими бўйича «шахсни аниқлаш 2019 йилга нисбатан 128% га ортган бўлса, 2021 йилда эса 729% ошган («Хавфсиз шаҳар» АДК жорий этилгани ҳисобга олинган ҳолда), воқеа жойидан олинган биологик излар 2019 йилда 26%, 2021 йилда 36% ошган»<sup>3</sup>. Бу эса, ўз навбатида, биометрик криминалистик ҳисоботларни текширишнинг ҳар хил

<sup>1</sup> [https://www.unodc.org/documents/data-and-analysis/statistics/Homicide/Global\\_homicide\\_Russian.pdf](https://www.unodc.org/documents/data-and-analysis/statistics/Homicide/Global_homicide_Russian.pdf).

<sup>2</sup> [https://www.unodc.org/documents/data-and-analysis/glotip/2018/GLOTiP\\_2018\\_BOOK\\_web.pdf](https://www.unodc.org/documents/data-and-analysis/glotip/2018/GLOTiP_2018_BOOK_web.pdf).

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЭКБМнинг 2019-2021 йиллар бўйича статистик кўрсаткичлари.

турларини қўллашда инновацияларни жорий этиш, ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш, биометрик маълумотлар айланиши соҳасидаги илғор халқаро тажрибаларни ўрганиш ва жорий этиш зарурлигини билдиради, шунингдек янги дастурий-техник воситалардан фойдаланишнинг инновацион ёндашувларини, жиноятларни очиш ва тергов қилишда шахсни биометрик идентификациялашдан фойдаланиш усул ва вазифаларини чуқур ўрганиш зарурати мавжудлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 24 ноябрдаги «Геном бўйича давлат рўйхатиغا олиш тўғрисида»ги ЎРҚ-649-сон Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ–60-сон, 2021 йил 5 июлдаги «Ўзбекистон Республикасида суд-экспертлик тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–6256-сон Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги «Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4125-сон, 2022 йил 8 февралдаги «Ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика фаолиятини замонавий илм-фан ютуқларини кенг жорий этган ҳолда янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–122-сон Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 15 октябрдаги «Ички ишлар органлари фаолиятига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 645-сон, 2021 йил 17 ноябрдаги «Геном бўйича давлат рўйхатиغا олиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 689-сон, 2022 йил 22 июлдаги «Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати фаолиятига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 399-сон Қарорлари ва мазкур соҳани тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ҳамда уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи**<sup>4</sup>. Жиноятларни очиш ва тергов қилишда шахсларнинг биометрик идентификациясидан фойдаланишга оид илмий тадқиқот ишлари дунёнинг етакчи илмий марказлари, олий таълим муассасалари, жумладан Арманистоннинг Америка университети (Арманистон), Джорджтаун университети, Гарвард университети (АҚШ), Лювен католик университети (Бельгия), Кембридж университети (Буюк Британия), Мишкольц университети (Венгрия), Миррорран давлат университети (Япония), Россия давлат одил судлов

---

<sup>4</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи куйидаги манбаларда ёритилган: [www.harvard.edu](http://www.harvard.edu), <https://www.hu-berlin.de/de> <https://мосу.мвд.пф>, <http://akadmvd.uz>, <сгюа.пф>, [mail.va-mvd.ru](mailto:mail.va-mvd.ru), <http://law.edu.ru>.

университети, Россия Ички ишлар вазирлигининг Бошқарув академияси, Ички ишлар вазирлигининг Краснодар университети, Кубан давлат институти (Россия Федерацияси), Беларусь Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси (Беларусь Республикаси), Қозоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Қараганда академияси (Қозоғистон Республикаси), Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Жаҳонда биометрик технологиялардан фойдаланишни такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар натижасида қуйидаги илмий натижалар олинган: биометрик маълумотларни қайта ишлашни шахсга доир маълумотларни талон-торож қилиш, ғайриҳуқуқий фойдаланиш ёки узатишдан ҳимоя қилиш мақсадида уларнинг нозик тоифаси сифатида биометрик маълумотларни қайта ишлашни тегишлича ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш зарурати асослантилган (Лёвен католик университети); кўзнинг рангдор пардаси орқали таниб олиш алгоритми ишлаб чиқилган (Кембридж университети); ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва бошқа ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал қилиш мақсадида фуқароларни электрон рўйхатга олиш зарурати асослантилган (Россия Ички ишлар вазирлигининг Бошқарув академияси); шахсни идентификация қилиш учун ва уларнинг пайдо бўлиш вақтини аниқлаш мақсадида тери-ёғ изларидан ДНК нинг суд-биологик экспертизаси, одорологик экспертизаси объекти сифатида фойдаланишнинг аҳамияти исботланган (Россия давлат одил судлов университети); криминалистик ҳисобларда шахснинг биометрик идентификация қилиш зарурати асослантилган (Кубан давлат институти); ҳуқуқ-тартибот фаолияти соҳасида қизиқиш уйғотувчи инсоннинг криминалистик аҳамиятга эга бўлган биометрик кўрсаткичлари ҳамда умумий дактилоскопик рўйхатга олиш зарурати асослантилган (Россия Ички ишлар вазирлигининг Краснодар университети).

Дунёда биометрик идентификациялаш технологияларидан фойдаланиш билан боғлиқ муаммоларнинг ечимини топишга қаратилган қуйидаги устувор йўналишларда: ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва инсонларни давлат томонидан рўйхатга олиш мақсадида биометрик идентификация усулидан фойдаланиш; биометрик ҳужжатларни қўллашни такомиллаштириш, геном бўйича рўйхатга олишни қўллаш, биометрик идентификация тизимларини ташкил қилиш ва шахсий маълумотларнинг сақланишини такомиллаштириш; биометрик шахсий маълумотларнинг хавфсизлигини таъминлашга оид тадқиқотлар олиб борилмоқда.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистонда шахснинг биометрик идентификациясидан фойдаланиш бўйича айрим масалалар Г.А. Абдумажидов, И.Р. Астанов, Л.П. Баканова, С.Н. Гордеев, Т.Б. Маматқулов, А.А. Матчанов, Б.Б. Муродов, М.А. Раджабова, Б.А. Ражабов, Т.Р. Сайтбаев, А.А. Ҳамдамов ва бошқалар томонидан ўрганилган. Жумладан, Р.К. Кабулов, Э.С. Абдурахмонов, А.К. Расулевлар томонидан ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар, Т.Р. Сайтбаев томонидан қидирув тадбирларини ўтказишда инсоннинг ташқи қиёфаси белгиларидан фойдаланиш

тадқиқ этилган. Б.Б. Муродов геном маълумотлар базаларини яратишни, А.А. Матчанов шахсларни қидиришнинг криминалистик жиҳатларини ўрганган<sup>5</sup>.

Биометрик технологиялардан фойдаланишнинг турли жиҳатлари Европада John G. Daugman, A.J. Jeffreys, D. J. Werret, P. Gill, АКШда Khalid Saeed, H. Hollien, W.W. Bledsoe, I. Browning, P.J. Phillips Moon Hyeonjoon, S.A. Rizvi, P.J. Rauss, P. Viola, M. Jones, E. Westly, Японияда Tomomasa Nagashima томонидан ўрганилган.

МДХ мамлакатларида А.М. Зинин, Е.П. Клипко, С.М. Милуков, Г.И. Поврезнюк каби олимлар ташқи белгиларга қараб идентификациялаш муаммоларини; Е.Г. Барковская, Д.Ю. Писаревлар жиноятларни очиш ва тергов қилишда инсоннинг биометрик параметрларидан фойдаланишни; И.В. Стороженко, О.А. Сазонов геном бўйича рўйхатга олишдан фойдаланишни; В.К. Кирвель бармоқ изларини қалбакилаштириш, «сунъий» ДНК, химеризм яратишни; А.С. Мальцев, В.О. Петросян фуқароларнинг бедарак йўқолиши билан боғлиқ ҳолатларда шахсни идентификациялашни; Р.В. Бондаренко, В.С. Зубаха, А.С. Копанев, А.С. Самищенко, А.С. Яковлева автоматлашган дактилоскопик ёзувларнинг аҳамиятини ўрганишган.

Республикамізда Дж.Х. Юлдашев «Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш», Б.И. Эгамбердиев «Ички ишлар органларининг миграция жараёнларига доир фаолиятини такомиллаштириш», С.Д. Джолдасова «Ўзбекистонда миграция соҳасини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш» мавзусидаги шахсларни биометрик идентификациялашдан фойдаланишга алоқадор номзодлик ва докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган.

Шу билан бирга, мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш шароитида суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилган ислохотлар натижалари, амалдаги қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти, умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ нормалари ҳамда айрим хорижий давлатларнинг илғор тажрибалари инobatга олинган ҳолда, жиноятларни очиш ва тергов қилишда шахснинг биометрик идентификациясидан фойдаланиш бўйича инновацион ёндашув масалалари махсус тадқиқ этилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Жиноятларни тергов қилишда суд экспертизасидан фойдаланишни такомиллаштириш» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган (2022-2023 йй).

**Тадқиқотнинг мақсади** жиноятларни очиш ва тергов қилишда шахсни идентификациялашнинг биометрик технологияларидан фойдаланиш бўйича илмий асосланган, ҳуқуқий, ташкилий, техник-криминалистик ва инновацион таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

---

<sup>5</sup>Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

жиноятларни очиш ва тергов қилишда шахсни биометрик идентификациялашга оид инновацион ёндашувларнинг назарий-методологик жиҳатларини таҳлил қилиш;

жиноятларни очиш ва тергов қилишда шахснинг биометрик идентификацияси генезисини ўрганиш, шахсни идентификациялаш бўйича биометрик технологияларни таснифли таҳлил қилиш;

жиноятларни очиш ва тергов қилишда статик ва функционал-динамик белгилар бўйича шахсни биометрик идентификациялашни тадқиқ этиш;

инсон шахсини биометрик идентификациялашга оид халқаро стандарт ва конвенцияларни ўрганиш;

жиноятларни очиш ва тергов қилишда шахсни биометрик идентификациялашдан фойдаланиш соҳасидаги хорижий ва миллий қонунчилик нормаларини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш;

жиноятларни очиш ва тергов қилишда шахсни биометрик идентификациялашдан фойдаланишнинг техник-криминалистик, тактик-криминалистик ва методик-криминалистик жиҳатларини такомиллаштириш бўйича инновацияларни жорий этишга қаратилган илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш;

биометрик шахсий маълумотлар хавфсизлигини таъминлашга қаратилган илмий-амалий таклифларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** жиноятларни очиш ва тергов қилишда шахснинг биометрик идентификация қилишда инновацион ёндашувлардан фойдаланиш билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** жиноятларни очиш ва тергов қилишда шахснинг биометрик идентификациясидан фойдаланишни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, улардан фойдаланиш амалиёти ҳамда юридик фандаги концептуал ёндашув ва илмий-назарий қарашлар ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот давомида илмий билишнинг анализ, синтез, индукция, дедукция, тарихий ва тизимли ёндашув, қиёсий-ҳуқуқий, статистик таҳлил, социологик сўров, кузатиш, мантиқийлик усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

шахсга доир маълумотларни, шу жумладан биометрик маълумотларни қонунга хилоф равишда йиғиш, тизимлаштириш, сақлаш, ўзгартириш, тўлдириш, улардан фойдаланиш, уларни бериш, тарқатиш, узатиш, эгасизлантириш ва йўқ қилиш, худди шунингдек ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг шахсга доир маълумотларига ишлов берилаётганда жисман Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган техник воситаларда ҳамда шахсга доир маълумотлар базаларининг давлат реестрида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган шахсга доир маълумотлар базаларида шахсга доир маълумотларни йиғишга, тизимлаштиришга ва сақлашга оид талабларга риоя этмаслик учун ижтимоий асосланган жавобгарлик белгилаш зарурлиги асосланган;

кибержиноятларни очиш, тергов қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш мақсадида мулкдор ва (ёки) оператор Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг шахсга доир маълумотларига ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ишлов беришда, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғида ишлов беришда уларнинг жисман Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган техник воситаларда ҳамда белгиланган тартибда шахсга доир маълумотлар базаларининг давлат реестрида рўйхатдан ўтказилган шахсга доир маълумотлар базаларида йиғилишини, тизимлаштирилишини ва сақланишини таъминлаши шартлиги асосланган;

биометрик ва генетик маълумотларни электрон шаклда сақлашда уларнинг ўғирланиши, модификация қилиниши, ноқонуний ўтказилиши ёки жиноят содир этиш учун фойдаланилишига йўл қўймаслик мақсадида, ушбу маълумотлар шифрланган ва криптографик ёки бошқа усулларда химояланган бўлиши зарурлиги асосланган;

ягона телекоммуникация тизимини шакллантириш асосида ички ишлар органларининг ахборот тизими, ресурс ва маълумотлар базаси билан ахборот алмашиш механизмини оптималлаштириш мақсадида жиноятларни очиш ва тергов қилишда экспертиза, тергов, тезкор-кидирув ва суд фаолиятини ахборот билан таъминлаш учун биометрик криминалистик маълумотлар базасини интеграциялаш зарурлиги асослаб берилган;

жиноятларни очиш ва тергов қилишда қайта очилган ҳолатлар ва янги далиллар аниқлангани сабабли жиноят ишлари бўйича қўшимча ёхуд такроран биологик экспертиза ўтказилишида (бир марталик фойдаланиш назарда тутилган ва фойдаланишга яроқсиз ҳолга келган моддий жисмлардан ташқари) моддий жисмлардан биометрик ва генетик ахборотлар олинганидан сўнг бу жисмлар ҳисобдан чиқарилмаслигининг зарурати асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

«криминалистик инновация», «шахсни биометрик криминалистик идентификация қилиш», «шахсни идентификация қилишнинг биометрик тизими», «шахсни ташқи кўриниши бўйича аниқлашнинг автоматлаштирилган тизими», «функционал-динамик хусусиятлар» тушунчаларига муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилган;

биометрик маълумотларнинг умумий ва махсус сегментларини бирлаштирган ҳамда шахсни идентификациялаш ва текширишга хизмат қиладиган биометрик рўйхатга олишнинг ягона давлат тизимини яратиш зарурлигига оид ҳуқуқий асослар ишлаб чиқилган;

фирибгарлик, ўғирлик, товламачилик, телефон орқали террорчилик ҳаракати содир этиш таҳдиди ва бошқа жиноятлар тўғрисидаги аудио материалларни ўз ичига олган фоноскопик маълумотлар базасини яратиш бўйича таклиф ишлаб чиқилган;

шахсга доир биометрик маълумотлар айланмасини ҳуқуқий тартибга солишнинг халқаро механизмлари, ҳорижий ва миллий тажрибани таҳлил қилиш асосида биометрик технологияларни кенг жорий қилиш бўйича асосий талаблар ишлаб чиқилган;

шахсий биометрик маълумотларни тўплаш, сақлаш, фойдаланиш, узатиш ва йўқ қилишда шахснинг ҳуқуқларини таъминлашнинг асосий қоидалари шакллантирилган;

фуқаролик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вазифаларини ҳал қилиш учун интеграцияланган биометрик маълумотлар базасини яратишга қаратилган Ягона давлат биометрик идентификацияси концепцияси лойиҳаси ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикасида шахсни биометрик идентификациялашни амалга оширишнинг асосий йўналишлари ҳамда чора-тадбирлари белгиланган;

давлат биометрик рўйхатига олишнинг асосий тушунчалари, мақсад ва вазифалари, шахсий биометрик маълумотларни тўплаш, сақлаш, фойдаланиш, узатиш ва йўқ қилиш тартибини белгилаб берувчи Ўзбекистон Республикаси «Давлат биометрик рўйхатга олиш тўғрисида»ги қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** олиб борилган тадқиқот натижалари халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ва миллий қонунчилик нормалари таҳлили натижалари, қонунни қўллаш амалиётини ўрганиш, ички ишлар органлари эксперт-криминалистик бўлимларининг 234 нафар, 169 та суриштирув ва тергов органлари ходимлари ўртасида ўтказилган сўровнинг таҳлилий натижалари, 172 та жиноят ишлари, 392 та дактилоскопик экспертиза хулосаси, 251 та портрет экспертизаси хулосаси, автоматлашган дактилоскопик идентификация тизими ва шахсни идентификациялашнинг автоматлашган тизим маълумотлар базаси бўйича 420 дан ортиқ тезкор қидирув бўлинмаларнинг маълумотномалари умумлаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертация ишининг илмий аҳамияти шундаки, ундаги илмий-назарий хулоса ва амалий таклиф, тавсиялардан илмий фаолият, қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида фойдаланиш мумкинлиги, тегишли қонунчилик ҳужжатларини шарҳлаш, миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда «Криминалистика», «Рақамли криминалистика», «Дактилоскопик экспертиза», «Портрет экспертизаси» ва «Тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув тадбирларини техник-криминалистик жиҳатдан таъминлаш» фанларини илмий-назарий жиҳатдан янада бойитиш имконияти билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан жиноят-процессуал ва жиноят қонунчилиги нормалари, қонуности ҳужжатларини ишлаб чиқиш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ривожлантириш, шунингдек жиноятларни очиш ва тергов қилишда, шу билан бирга ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва миграцион жараёнларни назорат қилишда шахснинг биометрик идентификациясидан инновацион ёндашувларни шакллантиришда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Жиноятларни очиш ва тергов қилишда шахснинг биометрик идентификациясидан фойдаланишни такомиллаштириш мақсадида олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

шахсга доир маълумотларни қонунга хилоф равишда йиғиш, тизимлаштириш, сақлаш, ўзгартириш, тўлдириш, улардан фойдаланиш, уларни

бериш, тарқатиш, узатиш, эгасизлантириш ва йўқ қилиш, худди шунингдек ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг шахсга доир маълумотларига ишлов берилаётганда жисман Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган техник воситаларда ҳамда шахсга доир маълумотлар базаларининг давлат реестрида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган шахсга доир маълумотлар базаларида шахсга доир маълумотларни йиғишга, тизимлаштиришга ва сақлашга оид талабларга риоя этмаслик учун жавобгарлик белгилаш зарурлиги тўғрисидаги таклифлар Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 46<sup>2</sup>-моддасини, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига киритилган 141<sup>2</sup>-моддани ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг спикер ўринбосари 2021 йил 1 мартдаги 02/4-233-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши шахсга доир биометрик маълумотларнинг хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик белгиланишига хизмат қилган;

кибержиноятларни очиш, тергов қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш мақсадида мулкдор ва (ёки) оператор Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг шахсга доир маълумотларига ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ишлов беришда, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғида ишлов беришда уларнинг жисман Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган техник воситаларда ҳамда белгиланган тартибда шахсга доир маълумотлар базаларининг давлат реестрида рўйхатдан ўтказилган шахсга доир маълумотлар базаларида йиғилишини, тизимлаштирилишини ва сақланишини таъминлаши шартлиги тўғрисидаги таклифдан Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 июлдаги «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги ЎРҚ-547-сон Қонунининг 27<sup>1</sup>-моддасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитасининг 2021 йил 25 февралдаги 05/2-224-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши: шахсга доир биометрик маълумотларни ўғирлаш, ноқонуний ўзгартириш ва йўқ қилишдан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга хизмат қилган;

биометрик ва генетик маълумотларни электрон шаклда сақлашда уларнинг ўғирланиши, модификация қилиниши, ноқонуний ўтказилиши ёки жиноят содир этиш учун фойдаланилишига йўл қўймаслик мақсадида, ушбу маълумотлар шифрланган ва криптографик ёки бошқа усулларда ҳимояланган бўлиши зарурлиги ҳақидаги таклиф Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 5 октябрдаги “Шахсга доир маълумотларга ишлов бериш соҳасидаги айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 570-сон қарори билан тасдиқланган Биометрик ва генетик маълумотлар мавжуд бўлган моддий жисм ҳамда бундай маълумотларни шахсга доир маълумотлар базасидан ташқарида сақлаш технологияларига оид талаблар тўғрисида Низомнинг 4-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 октябрдаги 25/1-2257-03-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг қабул

қилиниши биометрик шахсий маълумотларни ўғирланиш, ўзгартирилиш ва ноқонуний фойдаланишдан муҳофаза қилишга хизмат қилган;

ягона телекоммуникация тизимини шакллантириш асосида ички ишлар органларининг ахборот тизими, ресурс ва маълумотлар базаси билан ахборот алмашиш механизмини оптималлаштириш мақсадида жинойтларни очиш ва тергов қилишда экспертиза, тергов, тезкор-қидирув ва суд фаолиятини ахборот билан таъминлаш учун биометрик криминалистик маълумотлар базасини интеграциялаш зарурати ҳақидаги таклифдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 15 октябрдаги «Ички ишлар органлари фаолиятига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 645-сон Қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари тизимида ахборот технологияларини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар дастурининг 21-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 13 январдаги 12/21-03-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши ички ишлар органлари криминалистика маълумотлар базасидан комплекс ва тўлиқ фойдаланиш имконини берган;

жинойтларни очиш ва тергов қилишда қайта очилган ҳолатлар ва янги далиллар аниқлангани сабабли жинойт ишлари бўйича қўшимча ёхуд такроран биологик экспертиза ўтказилишида (бир марталик фойдаланиш назарда тутилган ва фойдаланишга яроқсиз ҳолга келган моддий жисмлардан ташқари) моддий жисмлардан биометрик ва генетик ахборотлар олинганидан сўнг бу жисмлар ҳисобдан чиқарилмаслиги шартлиги ҳақидаги таклиф Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 5 октябрдаги «Шахсга доир маълумотларга ишлов бериш соҳасидаги айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги 570-сон Қарори билан тасдиқланган Биометрик ва генетик маълумотлар мавжуд бўлган моддий жисмларга ҳамда бундай маълумотларни шахсга доир маълумотлар базасидан ташқарида сақлаш технологияларига оид талаблар тўғрисида Низомнинг 7-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 октябрдаги 25/1-2257-03-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши моддий жисмлардан биометрик ва генетик маълумотлар йўқ қилинган ҳолларда, уларни қайта тиклаш ҳамда фойдаланишини таъминлашга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 35 та илмий-амалий тадбирлар, жумладан 26 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий конференция ҳамда давра суҳбатларида синовдан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 55 та илмий иш, шу жумладан 2 та монография ва 18 та илмий мақола (7 таси хорижий нашрларда), 35та тезис чоп этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация кириш, ўн тўрт параграфни ўз ичига олган тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 254 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши, ҳажми ёритилган.

Диссертациянинг **«Жиноятларни очиш ва тергов қилишда биометрик технологиялардан фойдаланишда инновацион ёндашувларнинг назарий-концептуал қоидалари»** деб номланган биринчи бобида биометрик идентификациялашнинг концептуал-тоифали аппарати, биометрик идентификациялаш технологияларининг ретроспектив таҳлили, биометрик ва криминалистик идентификациялашнинг мазмуни, нисбати, шунингдек биометрик технологияларни таснифлаш баён этилган.

Диссертацияда Т.Ф. Аверьянова, Р.С. Белкин, А.В. Головин, В.К. Кирвел, Н.Л. Потапов, М.В. Савельев, А.Б. Смушкинларнинг қарашларини ўрганиш асосида «криминалистик инновация», «биометрик идентификациялаш», «шахсни биометрик идентификациялашда инновациялар» тушунчаларига таъриф берилган.

Биометрик идентификациялашнинг хусусий назарияси Р.С. Белкин, С.В. Бородин, А.И. Винберг, В.А. Жбанков, А.М. Зинин, А.Ю. Пересункин, С.М. Потапов, М.В. Салтевский ва бошқа олимларнинг илмий қарашларига асосланади. Бу тадқиқотларда биометрия криминалистик идентификация ва рўйхатга олишнинг асосий усулларида бири сифатида талқин этилади.

Диссертант томонидан шахснинг биометрик криминалистик идентификация қилишнинг қуйидаги хусусиятлари аниқланган: 1) юзни аниқлаш автоматлаштирилган режимда амалга оширилади: 2) шахснинг ноёб анатомик ва физиологик (биологик) хусусиятлари ва хулқ-атвор хусусиятларини қайд этишга асосланган бўлади.

Р.С. Белкин, И.А. Винберг, И.Ф. Герасимов, Л.Я. Драпкин, Ю.Л. Дяблова, В.Ю. Низомов, Р.Р. Рахматуллин ва бошқа олимларнинг фикрлари, шунингдек миллий қонунчилик диссертант томонидан таҳлил қилиниб, «жиноятларни очиш» муаллифлик тушунчасининг криминалистик ва жиноят-процессуал жиҳатлари шакллантирилган.

Диссертантнинг фикрига кўра, терговга қадар текширув, тергов (суриштирув) органлари ходимлари ахборот ресурсларининг номутаносиблиги туфайли турли бўлим ва муассасаларга мурожаат қилишга мажбур бўлишади. Бу эса шубҳасиз жиноятни «иссиқ» изидан очишга салбий таъсир кўрсатади. Амалиётни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, кўпинча жиноятни содир этган

шахс ҳақида тергов (суриштирув) органларида мавжуд бўлган криминалистик маълумотлар етарли эмас, бу турли вазирлик ва идораларнинг ахборот-ресурсларини интеграция қилиш заруратини юзага келтиради.

Муаллиф Т.В. Аверьянова, Е.Г. Барковская, Е.И. Галяшина, А.Ш. Каганов, В. Ковшов, С.А. Кондратов, Г. Лежиков, А. Хвыля-Олинтер, М.Г. Пименов, О.О. Сахно, W.W. Bledsoe, I. Browning, H. Hollien, John G. Daugman, P. Gill, M. Jones, A.J. Jeffreys, Khalid Saeed, Moon Hyeonjoon, Tomomasa Nagashima, P.J. Phillips, S.A. Rizvi, P.J. Rauss, P. Viola, D.J. Werret, E. Westly ва бошқа олимларнинг илмий қараш ва фикрларини ўрганиш асосида шахснинг бармоқ излари, юз тасвири, овози, кўз қорачиғи, кўзнинг ретинаси, ДНК, ёзуви бўйича биометрик идентификациялаш технологиясини ишлаб чиқишни таҳлил қилади ва уларнинг ривожланишини 6 босқичга бўлиб ўрганишни таклиф этади.

*Биринчи босқич* (XIX аср охиридан XX асрнинг 50-йилларигача) «бертильонаж» антропометрик усули ва дактилоскопик рўйхатга олишни ўз ичига олиб, асосий эмпирик тажриба ва назарий билимларни тўплашдан иборат бўлган. Ушбу давр мобайнида илмий билимларнинг муайян йўналиши доирасида биометрик параметрнинг ўзига хослиги назариянинг концептуал ғоя ва таълимотлари ривожланган.

*Иккинчи босқич* (XX асрнинг 50-йилларидан 90-йилларигача) биометрик идентификацияни автоматлаштиришнинг назарий қоидалари, компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда экспериментал босқични ривожлантириш ва биометрик идентификациялаш ўзига хос турларини ўтказиш билан тавсифланади.

*Учинчи босқичда* (ўтиш даври) (XX асрнинг 90-йилларидан 2009 йилгача) биометрик идентификациялаш тизимларининг sanoat моделларига ўтиш, тегишли аппарат-дастурий восилари жорий этилиши кузатилди. Ушбу босқич эксперт-криминалистик тузилмаларининг биометрик маълумотлар базаларига маълумотларни киритиш, анализ қилиш ва улардан қидирув натижаларини олиш бўйича методикаларининг ишлаб чиқилганлиги билан тавсифланади.

*Тўртинчи босқичда* (2009 йилдан 2017 йилгача) биометрик технологияларни оммавий жорий этиш амалга оширилди ва миллий биометрик паспорт тизимларини шакллантирилди.

*Бешинчи босқич* (2017 йилдан бошлаб ҳозиргача) ички ишлар органларининг бутун тизимини ислоҳ қилиш, унинг таркибий бўлинмаларини оптималлаштириш, улар фаолиятининг барча соҳалари, жумладан рўйхат-ҳисобга олиш тизими, бармоқ излари, габитоскопик, фоноскопик ва геномга оид ҳисобларни ўз ичига олган кўп функцияли интеграцияли биометрик маълумотлар базасини кенг қўллаш ва ягона биометрик тизимни яратишни тартибга солувчи тегишли норматив-ҳуқуқий база яратилганлиги билан изоҳланади.

Муаллифнинг фикрига кўра, жиноятларни аниқлаш ва тергов қилишда қўлланиладиган биометрик идентификациялаш суд-экспертизасининг энг муҳим элементларидан биридир. Биометрик идентификацияда идентификация қилинувчи объект – шахснинг папилляр излари, биологик намуналар, юзнинг фото ёки видео тасвирлари, овоз, юриш, ДНК тузилиши ва бошқалар бўлиб,

идентификация объекти – тирик одам ёки мурданинг қиёфаси ҳисобланади. Дактилоскопия, габитоскопия, биология ва бошқа соҳада махсус билимларга эга бўлиш зарурати туфайли криминалистик биометрик идентификациялаш субъектлари доираси эксперт ва мутахассис билан чегараланади.

Тадқиқотчи томонидан В.В. Бирюков, В.А. Жбанков, С.В. Милуков, П.Б. Музыченко, Ю.П. Музыченко, Г.И. Поврезнюк ва бошқа олимларнинг фикрларини танқидий таҳлил қилиш асосида биометрик идентификацияни қуйидаги асослар бўйича таснифлаш таклиф этилди: биометрик параметр тури (дактелоскопик, габитоскопик, фоноскопик, геномик, кўз қорачиғида, кўзнинг ретинасида, овозда, юз термограммасида, кулоқ шаклида ва бошқалар); криминалистик ҳисобга олиш даражаси (республика, минтақавий, маҳаллий); субъект (тергов, суд, эксперт); шакли (процессуал ва нопроцессуал); ташқи кўриниши (статистик ва динамик); идентификация объекти (тирик одам ва жасадлар); идентификациялаш усули (бевосита ва билвосита); идентификация мақсадлари (суд ва фуқаролик); қўлланиладиган биометрик параметрлар сони бўйича (моно-биометрик ва мультимодал); маълумотлар базасида мавжудлиги бўйича (ижобий ва салбий).

Диссертациянинг «**Жиноятларни очиш ва тергов қилишда шахснинг биометрик идентификациясидан фойдаланиш хусусиятлари**» деб номланган иккинчи бобида бармоқ излари, юз тасвири, одамнинг юриши, овози, ёзуви ва ДНК каби биометрик кўрсаткичлар таҳлил қилинган. Уларнинг хусусияти, афзаллик ва камчиликларига эътибор қаратилган.

Диссертант воқеа жойини кўздан кечиришда кўпинча қўл излари олинишини қайд этади. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш чоғида барча олинган ашёвий далиллар ичида қўл изларини олишга оид статистик маълумотлар қуйидагича: 2013 йилда – 21,7 %, 2014 йилда – 17,3 %, 2015 йилда – 19,0 %, 2016 йилда – 22,7 %, 2017 йилда – 20,8%, 2018 йилда – 18,2%, 2019 йилда – 14,0%, 2020 йилда – 12,5%, 2021 йилда – 14,8%. Шу билан бирга, амалга оширилган умумий тадқиқотлардан бармоқ изини текширишлар сони 2013 йилда – 72 %, 2014 йилда – 67,9 %, 2015 йилда – 57,7 %, 2016 йилда – 64,5 %, 2017 йилда – 93,8 %, 2018 йилда – 91,2%, 2019 йилда – 86,9%, 2020 йилда – 81,9%, 2021 йилда – 56,0%, 2022 йилда – 48% ни ташкил этган. Юқоридаги рақамлар ушбу турдаги эксперт тадқиқотлари жиноятларни самарали очиш ва тергов қилишда қанчалик муҳим эканлигини кўрсатиб турибди.

Муаллифнинг таъкидлашича, қўлларнинг папилляр чизиклари нақшлари бўйича биометрик идентификация қилиш папилляр нақшлари (минуция)га хос алоҳида белгиларнинг тури, миқдори, жойлашуви, ўзаро жойлашувини таҳлил қилиш орқали амалга ошириладиган идентификация тизими томонидан автоматлаштирилган аниқлашни билдиради.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг деярли барча ҳудудий бўлинмалари автоматлаштирилган дактелоскопик идентификацион тизимлари (кейинги ўринларда АДТИТ деб юритилади) билан жиҳозланган. Ўзбекистон Республикаси ИИБ Жиноят статистикаси ва тезкор-ҳисоб ахбороти марказининг дактилокарта маълумотлар базаси ИИБ «Папиллон» ЭКБМ АДТИТ маълумотлар базасига босқичма-босқич интеграция қилинмоқда. Муаллифнинг

қайд этишича, АДТИТ маълумотлар базаларида бармоқ изларига оид маълумотлар ҳажмининг тобора ошаётганлиги, жинойтларни очиш ва тергов қилишда улардан самарали фойдаланиш тартибини ҳуқуқий жиҳатдан такомиллаштиришни тақозо этади.

Диссертантнинг таъкидлашича, Ўзбекистон Республикасида габитоскопия ҳисоблари шахсни портрет орқали аниқлашнинг автоматлаштирилган «Полифейс» тизими (кейинги ўринларда АШИТ деб юритилади) орқали амалга оширилади ва мамлакатимиздаги барча ҳудудий бўлинмалар босқичма-босқич ушбу тизим билан жиҳозланади.

Диссертант томонидан ўтказилган ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлиliga кўра, видеокузатув тизимига эга бўлган «Хавфсиз шаҳар» интеграцияланган тизими жорий этилганлигини ҳисобга олган ҳолда, шахсни идентификация қилиш, юз қиёфаларининг фото тасвирлари, номаълум шахсларни аниқлаш ва видеоматериаллар орқали ўтказилган портрет тадқиқотларининг сони 2019 йилдан бошлаб – 2,3 % га, 2020 йилда – 172,9 % га, 2021 йилда – 258,3 %, 2022 йилда – 106% га сезиларли даражада ошганлигини кўрсатди. 2017 йилдан 2022 йилгача бўлган даврда ўтказилган портрет экспертизаларининг сони – 169% га ошган, етганлигини ҳисобга олиб, видео кузатув тизимларини юздан таниб олиш тизимлари билан жиҳозлаш муҳим аҳамият касб этаётганлигини таъкидлаш лозим.

Тадқиқотчи шахснинг функционал-динамик хусусиятлари сифатида ҳаёт фаолиятининг биометрик ўзига хос хусусиятлари, яъни техник воситалар билан ёки гувоҳлар ва жабрланувчилар хотирасида қолган кадам ташлаши, гавдасини тутиши, юз ифодаси, тана артикуляцияси, имо-ишоралари, овоз хусусиятларини ажратиб кўрсатган.

Муаллиф биометрик идентификациянинг ушбу турида видеотасвирнинг сифати паст бўлиши, тасвирнинг яхши чиқмаслиги, куннинг қоронғу вақти ва бошқалар мавжуд бўлган видео материаллар олинishi мумкинлигини асослайди, бу эса юз қиёфасини идентификация қилишни қийинлаштиради, бироқ бунда инсоннинг юриши, имо-ишораси ва бошқа динамик белгиларнинг ўзига хос хусусиятлари аниқ кўринади.

Тадқиқотчи олимларнинг илмий тадқиқотлари, шунингдек айрим давлатларнинг илғор тажрибасини таҳлил қилиш орқали функционал ва динамик хусусиятлар бўйича идентификациялашнинг кенг тарқалган усуллари билан бири – инсоннинг юришини идентификация қилиш эканлигини таъкидлайди. Инсоннинг юриши ўзига хос бўлиб, уни биометрик хусусияти сифатида ажратиб кўрсатиш имконини беради. Муаллифнинг таъкидлашича, юришни идентификация қилишнинг иккита усули: анъанавий ва нейрон тизими мавжуд.

В.Г. Булгаков, Н.Г. Сучилин, Л.Я. Аркаев, В.С. Савельев шахс ҳаракатларининг биомеханикаси билан, таянч-ҳаракат тузилишининг хусусиятларидан фойдаланиш бўйича юришни тадқиқ этишнинг анъанавий усулига асосланишади. А.И. Соколовой, А.С. Конушина, В.В. Сайдамаровой, С.С. Шариповаларнинг фикрича компьютерда видео тасвирни таснифлаш, тасвирни сегментациялаш, объектни аниқлаш ва визуал кузатиш каби вазифаларни одамга қараганда ЭҲМ анча самарали ва тезроқ ҳал қилади. Нейрон

тармоқ орқали сифатли таниб олиш учун зарур юқори даражадаги абстракцияга эга хусусиятлар аниқланади. Ю.А. Кнырик, М.А. Декало, А.С. Кольцов “Watrix” (Хитой) ИТ-компаниси тажрибасига асосланган ҳолда шахсни юришини аниқлашда сунъий интеллект жорий этилишининг долзарблигини таъкидлашади.

Муаллиф самарали автоматлаштирилган тизимни ишлаб чиқиш ва инсоннинг юриши орқали инсонни идентификация қилишни таъминлаш учун жиноятчи шахсларнинг юриш хусусиятларини акс эттирувчи видеоматериаллар бўйича ихтисослаштирилган маълумотлар базасини яратиш зарурлигини асослаган. Бундан ташқари, юз хусусиятлари аниқ акс эттирилмаган, аммо ҳодиса жойидан криминалистик аҳамиятга эга юриш белгилари аниқ тавсифланган маълумотларга эга видеоматериаллар базасини яратиш керак, деган хулосага келган. Шунингдек, муаллиф функционал-динамик хусусиятлар базасини яратиш учун ушланган шахсларнинг юриш намуналарини йиғиш, очилмаган жиноятлар содир этилган жойдан олинган видеоматериаллар базасини яратиш таклифини илгари сурган. Мазкур таклифни сўровда иштирок этган респондентларнинг 86,2% қўллаб-қувватлаган.

Диссертант тезкор-қидирув тадбирларида ёки жиноятларни тергов қилиш жараёнида аудиоёзувлардан шахсни аниқлашда шахсларнинг овозларини биометрик рўйхатга олишни шакллантириш ва юритишнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақида фикр юритган. Мазкур ҳисоботлар телефон ва бошқа телекоммуникация воситалари орқали олиб борилаётган суҳбатларни тинглаш, улар орқали берилаётган маълумотларни эшитиш, шунингдек суд-фоноскопик экспертиза ўтказиш ва овоз орқали шахсни аниқлаш учун тақдим этиш каби тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширишда самарали ҳисобланади.

Интерполнинг – ДНК Gateway, АҚШнинг – Combined DNA Index System (CODIS), Буюк Британиянинг – The National DNA Database (NDNAD), Франциянинг – Fichier National Automatique des Empreintes Genetiques (FNAEG), Австралиянинг – The National Criminal Investigation DNA Database (NCIDD) каби автоматлаштирилган генетик маълумотлар базаларидан фойдаланиш бўйича муаллиф томонидан амалга оширилган хорижий давлатлар тажрибасининг таҳлили ҳисобга олиниши керак бўлган шахслар тоифасини аниқ белгилаш ва шунга мос равишда аҳоли яшаш ҳудудларини қамраб олишнинг муҳимлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган оғир жиноятларнинг 2017 йилда 3,8 % га ўсганлиги, 2018 йилда 15,0 % га, 2019 йилда 7,8 % га камайганлиги, 2020 йилда 58,0 % га, 2021 йилда 92% га, 2022 йилда 4,7% га ўсган. Ўта оғир жиноятлар 2017 йилда 17% га, 2018 йилда 28% га, 2019 йилда 0,5% га камайган, 2020 йилда 18,6% га, 2021 йилда 42,6% га, 2022 йилда 0,3% га ўсган. Шу билан бирга, 2018 - 2022 йилларда ЖК 118-моддаси бўйича қўзғатилган жиноятлар кўрсаткичи 42 % га ошган бўлса, ЖК 119-моддасида жавобгарлик белгиланган жиноят 98,9% га, 120-модда бўйича 185% га, 128-модда бўйича 167% га, 129-модда бўйича 88,9% га ўсган. Юқоридаги кўрсаткичлар ушбу соҳада зарур қарорларни қабул қилиш, жумладан мажбурий рўйхатга олиниши керак бўлган шахслар рўйхатини кенгайтириш зарурати мавжудлигини кўрсатади.

Т.А.Ханов, М.Р.Сихимбаев, Б.К.Биржанов, К.К. Биржанов, М.М. Льянов, И.В. Глазуновалар аҳолини геном бўйича рўйхатга олиш қамровини кенгайтиришни таклиф этишган, Е.Ю. Жога, А.Ю. Васенин, И.А. Варченко, А.В. Старченко умумий ДНК рўйхатга олишни қўллаб-қувватлашса, В.Х. Каримов, Д.А. Казанцев, Е.Е. Богданова, О Четверикова эса генетик технологиялардан фойдаланиш давлат ва жамият хавфсизликка жиддий таҳдид, деб билишини кўрсатган.

Қонунни қўллаш амалиётининг таҳлили сўровда иштирок этганларининг 73,9% ички ишлар органлари ходимларининг ҳаёти хизмат вазифаси билан боғлиқ хавф мавжудлиги боис уларнинг мажбурий геном қайд этилишини, 65,7% – умумий геном қайд этилишини маъқуллаганлар.

Муаллиф 2023 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасида аҳолини рўйхатга олиш тартиби жорий қилиниши, кейинги босқичда геном бўйича рўйхатга олиниши лозим бўлган шахслар тоифалари рўйхатининг кенгайтирилиши, натижада универсал рўйхатга олишга ўтиш амалга оширилиши мақсадга мувофиқ, деган хулосага келган.

Диссертант химеризм ва сунъий ДНКни яратиш имконияти мавжудлигини қайд этиб, бу ДНК таҳлили натижаларининг хатосиз бўлишини таъминлайди, дейди. Шу муносабат билан муаллиф жинсий эркинликка қарши жиноятларни содир этишда суд-биологик экспертизасини ўтказишни, тегишли намуналарни тадқиқот объекти сифатида олишни таклиф қилган.

**«Жиноятларни очиш ва тергов қилишда шахснинг биометрик идентификациясини қўллаш соҳасидаги миллий қонунчилик, халқаро-хуқуқий стандартлар ва айрим хорижий давлатлар қонунчилигининг қиёсий таҳлили»** деб номланган учинчи бобда анъанавий қонунчилик нормалари, халқаро стандартлар, миллий ва айрим хорижий давлатлар қонунчилиги ҳужжатлари таҳлил қилган.

Диссертант биометрик идентификация соҳасидаги халқаро ва миллий стандартларга таъриф бериб, ҳозирда биометрик технологиялар соҳасида 57 та халқаро стандартлар амал қилиб, улардан 55 таси ишлаб чиқиш босқичида қолаётганлиги, Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти (ИКАО), Халқаро стандартлаштириш ташкилоти (ИСО) ва Жаҳон божхона ташкилоти стандартларини мамлакатимизда қўллаш муҳимлигини қайд этган.

Муаллифнинг таъкидлашича, ИКАО Doc 9303 стандартларига асосан «Машинада ўқиладиган саёҳат ҳужжатлари» (2004) га мувофиқ, 188 аъзо давлатда учта турдаги физиологик биометрик идентификациялаш тизимларидан фойдаланиш мумкин бўлган машинада ўқиладиган ҳужжатларни тақдим этиш талаб қилинади. Булар: юзни таниб олиш (мажбурий); бармоқ изини аниқлаш (тавсиявий); кўзнинг тўрпардасидан таниб олиш (тавсиявий)дир.

Тадқиқотчи терроризмга қарши курашишнинг замонавий ва самарали воситаси сифатида биометрик идентификациядан фойдаланиш зарурлигини таъкидлаб, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 2017 йил 21 декабрдаги 8148-йиғилишида қабул қилинган 2396-сон резолюциясида террорчилар, жумладан чет эллик террорчиларни аниқлаш мақсадида ушбу маълумотларни аъзо давлатлар ўртасида, яъни Интерпол ва бошқа тегишли ташкилотларга

улашиш учун аъзо давлатларнинг биометрик маълумотларини йиғиш тизимлари: бармоқ излари, юз суратлари, юзни таниб олиш ҳамда бошқа биометрик маълумотларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш мажбурияти белгиланганлигини таъкидлаган.

Муаллифнинг қайд этишича, БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссариати бошқармаси (UNCHR) томонидан коррупция хавфини камайтириш мақсадида қочоқлар, бошқа жойга кўчирилган шахсларни рўйхатга олиш ҳамда кейинчалик шахсини аниқлаш учун биометрик тизимлардан кенг фойдаланмоқда. Сабаби қочоқлар орасида экстремистик ва террористик оқим вакиллари, шунингдек қидирувда бўлган шахслар бўлиши мумкин.

2015 йил 28 июлда қабул қилинган БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 2178-сон резолюцияси<sup>6</sup> ҳамда Ташқи ишлар вазирларининг Мадрид декларацияси бўйича фойдаланиладиган платформа ва форматларнинг мувофиқлигини таъминлаш мақсадида шахсий маълумот, хусусан онлайн режимидаги биометрик маълумотларни алмашиш учун давлат органлари ва давлатлар ўртасида яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Халқаро тажриба халқаро ҳуқуқнинг муҳим соҳаси сифатида шахс ҳуқуқлари, шахсий дахлсизликнинг устуворлигини кўрсатади. Шу билан бирга, диссертант ушбу халқаро стандартларнинг тавсиявий характерда эканлигини, яъни уларнинг механизмини белгилаш, ушбу технологияларни жорий этиш давлатлар ихтиёридалигини кўрсатган.

Ўзбекистон Республикасининг «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги (2019) Қонунининг 21-моддаси 2-қисмига мувофиқ, шахсий маълумотларни қайта ишлаш учун ушбу маълумот эгасининг ёзма розилиги талаб қилинади. Бироқ ушбу Қонуннинг 3-моддаси 2-қисмида унинг таъсири тезкор-қидирув, разведка ва контрразведка фаолиятини амалга ошириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини амалга ошириш давомида олинган шахсий маълумотларни қайта ишлаш, ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш билан боғлиқ жиноятлар доирасига татбиқ этилмаслиги белгиланган.

Муаллиф биометрик ўлчамларни рўйхатдан ўтказиш тартиби шахсий ҳаётга аралаштириш билан боғлиқ инсоннинг фундаментал ҳуқуқларига таъсир қилиши сабабли, биометрик маълумотлар базаларини ҳимоя қилишни таъминлаш бўйича ҳуқуқий, ташкилий ва техник чора-тадбирларни амалга ошириш зарурлигига эътибор қаратиб, бунда асосий жиҳат – биометрик маълумотлар алмашинувини ҳуқуқий тартибга солиш эканлиги асосланган.

Диссертант Россия Федерацияси, Тожикистон, Беларусь, Молдова, Қозоғистон, Қирғизистон Республикалари ва бошқа давлатларда биометрик рўйхатга олишнинг ҳуқуқий тартибга солинишини қиёсий таҳлил қилиб, бармоқ излари ва габитоскопик ҳисобга олишнинг ягона ҳуқуқий тартибга солинишини таъминлайдиган, шунингдек биометрик рўйхатга олишнинг асосий тушунча, мақсад, вазифалари ва уни амалга ошириш механизмини белгилаб берувчи Ўзбекистон Республикасининг «Давлат биометрик рўйхатга олиш тўғрисида»ги

---

<sup>6</sup> <https://capve.org/ru/dokumenty/rezolyutsiya-soveta-bezopasnosti-oon-2178-2014>.

Қонунини қабул қилиш лозимлиги исботланган. Сўровда қатнашганларнинг 75,4% “Давлат биометрик рўйхатга олиш тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилинишини мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаган.

Рухий касалликка чалинган шахслар томонидан оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этилишига оид маълумотларни ўрганиш асосида муаллиф психиатрия диспансерларида рўйхатга олинган шахсларни мажбурий геном бўйича рўйхатга олинадиган шахслар тоифасига киритишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаган. Мазкур таклифни респондентларнинг 80,5% ҳам маъқуллаган.

**«Жиноятларни очиш ва тергов қилишда шахсни биометрик идентификация қилишдан фойдаланишнинг инновацион стратегиялари»** деб номланган диссертациясининг тўртинчи бобида муаллиф биометрик технологиялардан фойдаланишда биометрик идентификацияни қўллашнинг инновацион жараёнларини таҳлил қилиш орқали илғор техник-криминалистик, тактик-криминалистик, услубий ҳамда ташкилий ечимларни таклиф этган.

Муаллифнинг таъкидлашича, бугунги кунда биометрик ҳужжатлардан иборат АШИТ «Полифейс» тизими деярли бутун мамлакат аҳолисини қамраб олиш имкониятига эга, бироқ террорчилар, қидирувдаги шахслар унинг алоҳида сегменти билан қамраб олинмайди. Шу боис АШИТ идентификациялаш вазифаларини бажариш билан бирга, тезкор режимда айрим тоифадаги шахсларни аниқлаш ҳамда қидирувдаги шахс сифатида унинг ҳуқуқий ҳолатини билиб олиш имконини беради.

«Е-патруль» тизими планшет ёрдамида шахснинг биометрик идентификацияси (бармоқ изи ёки юз тузилиши)ни электрон равишда олиб, унинг шахсига оид (судланганлиги, қидирувдалиги, профилактик, пробация ва маъмурий назорат ҳисобида туриши ва бошқа) тезкор маълумотларини ички ишлар ҳудудий бўлинмаларига шахсни олиб келмаган ҳолда махсус базалар ёрдамида тезкорлик билан аниқлаш имконини бермоқда.

Жиноят ишлари материалларини таҳлил қилиш биометрик идентификациядан «иссиқ» ишлар ва ўтган йиллардаги жиноятларни очишда қўллашнинг самарадорлигини кўрсатмоқда. Анкета сўровлари терговчи ва суриштирувчиларнинг 35,5% барча гумон қилинувчи (айбланувчи)ларни АДИС базаси орқали, 22,9% эса АШИТ базаси орқали текшириш лозимлигини кўрсатган.

Муаллиф тергов ҳаракати ёки суд мажлисига чақирилган шахс билан бошқа шахснинг ташқи кўринишидаги ўхшашлик ёки шахсий паспорти йўқлиги сабабли тергов ҳаракатларини олиб боришдан олдин шахснинг бармоқ излари, дактилоскопик сканери ёки махсус планшет ёрдамида бармоқ излари орқали уларнинг шахсини аниқлаш мумкинлигини асослаб, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 36, 38<sup>1</sup>, 91<sup>3</sup>, 98, 324, 365, 429, 434, 441, 599-моддаларига ўзгартириш киритиш таклифини асослаган.

Тадқиқотчи «Электрон жиноят иши» лойиҳаси доирасида тергов ёки суд ҳаракати мобайнида тергов иштирокчисининг шахсини аниқлаш ва ўтказилаётган процессуал ҳаракат натижаларининг ҳаққонийлигини тасдиқлаш мақсадида бармоқ излари ёки электрон имзодан фойдаланган ҳолда

тергов ҳаракатлари баённомаларини «имзолаш»ни амалиётга жорий этишни таклиф қилган.

Ишда ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва айрим мансабдор шахсларнинг «Электрон суриштирув ва дастлабки тергов» ягона ахборот тизимига киришини таъминлаш учун биометрик идентификация воситаларидан фойдаланган ҳолда суриштирувчи ёки терговчининг шахсини текшириш тизимини жорий этишнинг мақсадга мувофиқлигини кўрсатган (Мазкур таклифни респондентларнинг 78, 7% маъқуллаган).

Биометрик маълумотлар ўғирлик ва қалбакилаштиришнинг алоҳида объекти бўлгани сабабли хавфсизлик масалаларини кўришда муҳим аҳамият касб этади. Биометрик маълумотлар хавфсизлигини сақлаш ахборот хавфсизлиги ва умуман олганда эса миллий хавфсизликнинг энг муҳим жиҳатларидан ҳисобланади. Global Cybersecurity Index маълумотларига кўра, 2021 йилда Ўзбекистон киберхавфсизлик бўйича 194 та давлат орасида 70-ўринни эгаллаган<sup>7</sup>. Рақамли идентификация ва шахс идентификациясини масофадан туриб очиқ алоқа тармоқлари (Интернет) ёрдамида текшириш киберхужумлар ва идентификация маълумотларининг кенг кўламда ўғирланиши билан боғлиқ хавфларни туғдиради.

Сўнгги пайтларда бир қатор мамлакатлар (Корея, Гана, АҚШ, Ҳиндистон, Филиппин ва бошқа давлатлар)да биометрик маълумотларнинг кенг кўламда ўғирланиши кўпайиб бораётгани ушбу маълумотлар шифрланган ва криптографик ёки бошқа усулларда ҳимояланган бўлиши зарурлигини тақозо этмоқда.

Муаллифнинг таъкидлашича, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг шахсий биометрик маълумотларини ўғирлаш, руҳсатсиз ўзгартиришдан сақланишини таъминлаш, улардан фойдаланиш ва йўқ қилиш ахборот тизимлари ва интернет-ресурслари техник қурилмаларининг хорижий давлат ҳудудида жойлашганлиги сабабли анча мураккаб ҳисобланади. Бунда фуқароларнинг шахсий биометрик маълумотларини тўплайдиган ташкилотлар ҳақиқий кафолатни фақат серверлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган тақдирдагина таъминланиши мумкин.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси фуқароларига нисбатан ахборот технологияларидан, жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали шахсий маълумотларни қонунга хилоф равишда тўплаш, тизимлаштириш, сақлаш, ўзгартириш, кўшиш, фойдаланиш, тақдим этиш, тарқатиш, ўтказиш, ҳаракатсизлантириш ва йўқ қилиш, шунингдек уларни қайта ишлаш қоидаларига риоя қилмаслик учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 46<sup>2</sup>-моддаси ва Жиноят кодексининг 141<sup>2</sup>-моддасига мувофиқ маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланган.

Моддий жисмлардан биометрик маълумотларни ажратиб олишда уларнинг йўқолиши, ўғирланиши ва ўзгартирилиши мумкинлигини эътиборга олиб, бундай моддий жисмлар сақланишини таъминлаш зарур. Бу эса, ўз навбатида, уларни қайта тиклаш ва такрорий текширув ўтказиш имконини беради.

---

<sup>7</sup> [https://www.itu.int/dms\\_pub/itu-d/opb/str/D-STR-GCI.01-2021-PDF-E.pdf](https://www.itu.int/dms_pub/itu-d/opb/str/D-STR-GCI.01-2021-PDF-E.pdf).

Ўзбекистон Республикасида масофадан туриб, банк ва давлат хизматларини кўрсатишга мўлжалланган Ягона биометрик тизимни жорий қилиш режалаштирилган. Мазкур лойиҳа «Давлат биометрик рўйхатга олиш тўғрисида»ги Қонунни ва Шахсни биометрик идентификация қилишнинг ягона давлат тизими Концепцияси қабул қилинишини тақозо этади. Бу эса шахсни биометрик идентификация қилиш соҳасини ривожлантиришнинг асосий мақсад, вазифалари ва ривожланишининг асосий йўналишлари, ривожланиш истиқболларини белгилаб беради (Юқорида номи келтирилган қонун ва Концепция лойиҳалари ишлаб чиқилган).

Муаллиф ижтимоий медиа ресурсларининг криминалистик жиҳатдан муҳим биометрик маълумотлар манбаси сифатида аҳамиятини қайд этади. Ижтимоий тармоқлар видео, фото ва аудио контент билан тўлиқ тўлдирилмаганлиги сабабли улар юз қиёфасини таниш технологияси ёрдамида жиноятчи ёки жабрланувчининг шахсини аниқлаш, унинг танишлари доираси, фаолият турини аниқлаш имконини бермайди. Диссертант ижтимоий тармоқларда ҳуқуқ-тартибот мақсадларида юз қиёфасини аниқлаш бўйича махсус дастурий маҳсулот тақдим этаётган ClearViewAI (АҚШ), NtechLab (Россия) компанияларининг фаолиятини таҳлил қилиб, жиноятларни очиш ва тергов қилишда ижтимоий медиа тармоқ имкониятларидан фойдаланишни таклиф қилган.

Тадқиқотчининг фикрига кўра, молекуляр фотофиттинг истиқболли йўналиш бўлиб, у ДНК тузилишига асосан юз тасвирини моделлаштириш имконини беради. АҚШ Мудофаа вазирлиги ДНКдан одам юзининг эскиз тасвирини яратиш воситаси бўлмиш Snapshot DNA Phenotyping Service дастурини ишлаб чиқиш учун 2 миллион долларга яқин маблағ ажратган. Ушбу технологияларни жорий этиш геномга оид тадқиқотлар натижалари имкониятларини кенгайтиради.

Диссертант қатор хорижий мамлакатларда жазони ижро этиш муассасасининг ички тартиб-қоидаларини назорат қилиш, коррупция ва қочиш хавфини камайтириш, маҳкумлар суд ёки тиббий муассасага мурожаат қилганида, шунингдек улар қайтиб келганида шахсини аниқлаш мақсадида жазони ижро этиш тизимида биометрик технологиялар қўлланилаётганлигини ўрганиб, жазони ижро этиш муассасаларида биометрик комплекслардан фойдаланиш жиноятларни очиш ва ҳуқуқбузарликларни олдини олишга ижобий таъсир кўрсатишини исботланган.

Муаллиф томонидан олимларнинг фикр-мулоҳазалари ўрганилиб, қонунни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг таҳлили асосида оммавий тартибсизликлар пайтида ҳуқуқбузарларнинг шахсини биометрик аниқлаш, яширин кузатув ўтказиш ва фавқулодда вазиятларда жабрланганларни қидириш учун учувчисиз учиш аппаратларидан (УУА) фойдаланиш имкониятлари юқорилигини кўрсатди. Бугунги кунда Буюк Британия, Бирлашган Араб Амирликлари, Хитой, Франция, Япония, Беларусь Республикаси ва бошқа бир қатор мамлакатларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш вазифаларини ҳал қилиш учун УУАлар самарали қўлланилмоқда.

Тадқиқотчи Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (ШХТ МАТТ) фаолияти доирасида томонларда ҳарбий ҳаракатларда қатнашган халқаро террористик гуруҳларнинг 4500 дан ортиқ аъзоси тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган ягона ахборот базаси шакллантирилганини қайд этиб, ШХТ МАТТ негизида террористик хусусиятга эга жиноятларни содир этганлик учун халқаро қидирувга берилган ёки содир этишда гумон қилинаётган шахсларнинг биометрик маълумотлари: бармоқ излари, юз қиёфаси ва геномга оид маълумотларни ўз ичига олган интеграциялашган маълумотлар базасини яратишни таклиф қилган. Кўпинча террористик ҳужумларни содир этган жиноятчилар асосан юз қиёфаси ва танасининг тузилиши орқали идентификация қилинади. Бу ҳолатда бармоқ излари ёки жисмоний хусусиятлар орқали идентификация қилиш анча қийин ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан ДНКдан фойдаланиш, террористик характердаги жиноятларни содир этган шахслардан олинган биологик намуналар, жумладан бармоқ излари, юз қиёфаси ва геномга оид маълумотларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Муаллиф биометрик идентификациядан фойдаланишда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси, «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги Қонун ва фуқароларнинг шахсий дахлсизлигини ҳимоя қилувчи бошқа қонунчилик ҳужжатларига сўзсиз риоя қилиш зарурлигини асослаган.

## ХУЛОСА

Жиноятларни очиш ва тергов қилишда шахснинг биометрик идентификациясидан фойдаланишнинг инновацион ёндашувига бағишланган илмий-тадқиқот натижалари бўйича қуйидаги хулоса ҳамда таклиф ва тавсиялар илгари сурилган:

### І. Илмий-назарий хулосалар

1. Шахсни биометрик идентификация қилишдан фойдаланишга инновацион ёндашувларнинг назарий асосларини ўрганиш асосида қуйидаги тушунчаларга муаллифлик таърифи берилди:

*криминалистик инновация* – бу махсус дастурий-аппарат воситалари, рақамли криминалистика усуллари, сунъий интеллект, шунингдек бошқа илмий ва технологик ютуқлар ёрдамида жиноятларни очиш ва тергов қилиш самарадорлигини ошириш мақсадида далилларни тўплаш, тадқиқ қилиш ва баҳолаш жараёнида илғор илмий ғоя, маҳсулот ва технологияларни жорий этиш;

*шахсни идентификация қилишнинг биометрик тизими* – бу инсон қиёфасини анатомик, физиологик ва биологик хусусиятларига қараб аниқлаш ёки жиноятларни очиш ёки тергов қилиш мақсадида верификация қилиш орқали шахсни автоматлаштирилган тарзда таниб олиш;

*биометрик ҳисобга олиш тизими* – бу биометрик намунани сақлаш шунингдек индекслар ёки бошқа метрик кўрсаткичлар асосида ўхшашлик ёки фарқ мавжудлигини аниқлаш ҳамда бир идентификация хусусиятларини бошқа

биометрик намунанинг идентификация хусусиятлари билан таққослаш учун мўлжалланган автоматлаштирилган технология;

*шахснинг ташқи кўриниши орқали идентификация қилишнинг автоматлаштирилган тизими (АШИТ)* – бу шахсларнинг фото тасвирлари маълумотлар базасини ўз ичига олган махсус габитоскопик тизим бўлиб, у қидирилаётган шахслар, шахси номаълум мурдалар ва ўзгалар шахсий маълумотлари остида яшириниб юрган шахсларни маълумотлар базасидаги маълумотлардан фойдаланган ҳолда ташқи кўринишини таққослаш ва шахсини аниқлаш имконини беради;

*инсоннинг функционал-динамик белгилари* – бу техник воситалар ёрдамида ёки гувоҳлар ва жабрланувчилар хотирасида қайд этилган инсоннинг юриши, гавда ҳолати, юз ифодаси, имо-ишоралари, овозининг хусусияти билан тавсифланган ҳаракат фаолиятининг биометрик маълумотлари.

2. Шахсни идентификация қилишнинг биометрик тизимини ривожлантириш технологияларнинг ҳолати, норматив-ҳуқуқий база, ҳисобга олиш кўлами, қўйилган мақсад ва вазифалар асосида қуйидаги бешта босқичга ажратилиб кўрсатилди:

*биринчи босқич* (XIX аср охиридан XX асрнинг 50-йилларигача) «бертильонаж» антропометрик усули ва дактилоскопик рўйхатга олишни ўз ичига олиб, асосий эмпирик тажриба ва назарий билимларни тўплашдан иборат бўлган. Ушбу давр мобайнида илмий билимларнинг муайян йўналиши доирасида биометрик параметрнинг ўзига хослиги назариянинг концептуал ғоя ва таълимотлари ривожланган;

*иккинчи босқич* (XX асрнинг 50-йилларидан 90-йилларигача) биометрик идентификацияни автоматлаштиришнинг назарий қоидалари, компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда экспериментал босқични ривожлантириш ва биометрик идентификациялаш ўзига хос турларини ўтказиш билан тавсифланади;

*учинчи босқичда* (ўтиш даври) (XX асрнинг 90-йилларидан 2009 йилгача) биометрик идентификациялаш тизимларининг саноат моделларига ўтиш, тегишли аппарат-дастурий восилари жорий этилиши кузатилди. Ушбу босқич эксперт-криминалистик тузилмаларининг биометрик маълумотлар базаларига маълумотларни киритиш, анализ қилиш ва улардан қидирув натижаларини олиш бўйича методикаларининг ишлаб чиқилганлиги билан тавсифланади;

*тўртинчи босқичда* (2009 йилдан 2017 йилгача) биометрик технологияларни оммавий жорий этиш амалга оширилди ва миллий биометрик паспорт тизимларини шакллантирилди;

*бешинчи босқич* (2017 йилдан бошлаб ҳозиргача) ички ишлар органларининг бутун тизимини ислоҳ қилиш, унинг таркибий бўлинмаларини оптималлаштириш, улар фаолиятининг барча соҳалари, жумладан рўйхат-ҳисобга олиш тизими, бармоқ излари, габитоскопик, фоноскопик ва геномга оид ҳисобларни ўз ичига олган кўп функцияли интеграцияли биометрик маълумотлар базасини кенг қўллаш ва ягона биометрик тизимни яратишни тартибга солувчи тегишли норматив-ҳуқуқий база яратилганлиги билан изоҳланади.

3. Автоматлаштирилган биометрик идентификация тизимларига нисбатан куйидаги талаблар ишлаб чиқилди: универсаллик, ноёблик, турғунлик, самарадорлик, мақсадга мувофиқлик.

4. Тадқиқот давомида шахсни биометрик идентификация қилишнинг куйидаги таснифи илмий жиҳатдан исботланди: биометрик параметрнинг турига кўра – дактилоскопик, габитоскопик, фоноскопик, геномик, иридологик, кўзнинг тўрпардаси, юз термограммаси, кулоқ шакли ва бошқалар; криминалистик ҳисобга олиш даражасига кўра – республика миқёсида, минтақавий, маҳаллий; субъект бўйича (тергов, суд, эксперт); шакли бўйича: процессуал ва нопроцессуал; тури бўйича – статик ва динамик; идентификация объекти бўйича – тирик шахслар ва мурдалар; идентификация усули бўйича – бевосита ва билвосита; идентификация мақсадлари бўйича: криминалистик ва фуқаровий; амалдаги биометрик кўрсаткичлар сони бўйича – монобиометрик ва мультимодал; маълумотлар базасидаги мақоми бўйича: ижобий ва салбий.

5. Барча турдаги ихтисослаштирилган ахборот тизимлари, шу жумладан биометрик ҳисобга олишнинг ИИО ягона ахборот-телекоммуникация тизимига интеграцияси куйидаги имкониятларни яратади:

1) криминалистик ҳисоблардан фойдаланиш ва марказлашган ахборот алмашинуви билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишга хизмат қилувчи ягона ахборот маконини яратиш;

2) биометрик маълумотлар базаларидан шахсга доир маълумотларни сутка давомида ишончли ва тезкор текшириш;

3) муайян ҳисобни текшириш вақтида параллел равишда бошқа турдаги ҳисобларни ҳам текшириш (дактилоскопик ҳисобларни текшириш жараёнида бир вақтнинг ўзида габитоскопик ҳисоблар ва муқаддам судланганлар баъзаси бўйича ҳам текшириш ва бошқ.);

4) бутун ахборот тизими, айниқса шахсга доир биометрик маълумотлар хавфсизлигини таъминлаш.

## **II. Қонунчилик нормаларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар**

1. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат биометрик рўйхатга олиш тўғрисида»ги Қонунини қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

2. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 24 ноябрдаги «Геном бўйича давлат рўйхатига олиш тўғрисида»ги Қонунининг 16-моддаси биринчи қисмини куйидаги таҳрирда баён этиш таклиф қилинади:

«Геном бўйича ихтиёрий давлат рўйхатига олиш Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ёзма аризаси асосида бепул тарзда амалга оширилади»;

– модданинг учинчи ва тўртинчи қисмларини чиқариш мақсадга мувофиқ.

3. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 24 ноябрдаги «Геном бўйича давлат рўйхатига олиш тўғрисида»ги Қонунининг 17-моддаси тўртинчи қисмини куйидаги таҳрирда баён этиш лозим:

«психиатрик диспансерида рўйхатга олинган шахслар»;

тўртинчи ва бешинчи қисмларини бешинчи ва олтинчи қисмлари деб ҳисоблаш лозим.

4. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 июлдаги «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги Қонунининг 26-моддаси номи ва биринчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилади:

«26-модда. Биометрик маълумотларга ишлов бериш

Биометрик маълумотлар субъектнинг физиологик ва *биологик* хусусиятларини тавсифловчи маълумотлар ҳисобланади».

5. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш мақсадга мувофиқ:

1) Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 36, 38<sup>1</sup>-моддаларининг биринчи қисми «топшириқлар беришга» деган сўзлардан кейин «шу жумладан криминалистик ҳисоблар орқали текшириш бўйича (дактилоскопик, геном, габитоскопик, баллистик ва бошқ.)» деб тўлдириш;

2) Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 91<sup>3</sup>-моддасининг иккинчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш лозим:

«Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг топшириғини бажараётган мансабдор шахс жиноят процессида иштирок этиш учун чақирилган фуқаронинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини текшириши ёки рақамли воситалар ёрдамида унинг шахсини идентификация қилишни амалга ошириши, ушбу Кодекс бўйича унинг ҳуқуқларини таъминлаши ва тергов ҳаракати тугагунга қадар унинг ёнида бўлиши керак».

3) Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 98-моддасини қуйидаги таҳрирда баён этиш лозим:

«98-модда. Сўроқ қилинувчининг шахсини аниқлаш

Суриштирувчи, терговчи ва суд сўроқ қилиш олдидан сўроқ қилинувчидан унинг фамилияси, исми ва отасининг исмини, туғилган вақти (йили, ойи, куни) ва туғилган жойини, яшаш жойи ва иш жойини, мансаби, машғулот тури, маълумоти, оилавий аҳволини, судланганлиги ёки судланмаганлигини аниқлаши ҳамда бу маълумотларни жиноят ишидаги ёки сўроқ қилинувчининг шахсий ҳужжатларидаги маълумотлар билан солиштириб кўриши ёхуд бошқа йўллар билан, шу жумладан электрон биометрик идентификациялаш воситаларининг рақамли воситалари орқали, сўроқ қилинувчи ўзини ким деб таништирган бўлса, айнан ўша шахс эканлигига ишонч ҳосил қилиши лозим».

4) Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 324-моддаси иккинчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқ:

«Оғзаки ариза баённомада қайд этилади. Баённомада арз қилувчи, унинг яшаш ва ишлаш жойи, шунингдек шахсий ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилиши лозим. Башарти арз қилувчи ҳужжат кўрсата олмаса, унинг шахси тўғрисидаги маълумотларни бошқа йўллар билан текшириш чораси кўрилиши керак, шу жумладан электрон биометрик идентификациялаш рақамли воситаларидан фойдаланган ҳолда».

5) Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 365-моддаси бешинчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқ:

«Қидирилаётган айбланувчи ушланган тақдирда у ушланган жойдаги прокурор ушланган шахснинг қидирилаётган айбланувчи эканлигини тасдиқловчи хужжатлар ёки электрон биометрик идентификациялаш рақамли воситалари ёрдамида аниқлаши ва ундан кейин қамоққа олиш учун қонуний асослар мавжудлигига ишонч ҳосил қилиши лозим».

6) Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 429-моддаси иккинчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш лозим:

«Ишда иштирок этаётган шахсларнинг кимлиги паспорт ёки идентификацияловчи ID-карта ёхуд уларнинг шахсини тасдиқловчи бошқа хужжатлар бўйича ёки электрон биометрик идентификациялаш рақамли воситалари ёрдамида аниқланади».

7) Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 434-моддаси биринчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш лозим:

«Раислик қилувчи судланувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, оyi, куни ва жойини, яшаб турган жойи, машғулоти, маълумоти, оилавий аҳволи ва унинг шахсига дахлдор бошқа маълумотларни сўраб, унинг шахсини аниқлайди, бунда электрон биометрик идентификациялаш рақамли воситаларидан фойдаланишга йўл қуйилади».

8) Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 441-моддаси биринчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш лозим:

«Гувоҳни сўроқ қилишдан олдин раислик қилувчи унинг шахсини мавжуд хужжатлар ҳамда электрон биометрик идентификациялаш рақамли воситаларидан фойдаланиб аниқлайди ва кўрсатув беришдан бош тортганлик ёки била туриб ёлгон кўрсатув берганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантиради».

9) Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 599-моддаси тўртинчи қисмини 2-банди қуйидаги таҳрирда баён этиш лозим:

«2) ўзига нисбатан сўров юборилаётган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, унинг туғилган санаси ва жойи, фуқаролиги, яшаш жойи ёки турган жойи ва унинг шахси ҳақидаги бошқа маълумотлар, шунингдек имкони борича ташқи қиёфаси тавсифи, фотосурати, бармоқ излари ва шахсни идентификация қилиш имконини берадиган бошқа материаллар».

6. Шу билан бир қаторда, Шахсни биометрик идентификация қилишнинг ягона давлат тизими Концепция лойиҳасини қабул қилиш мақсадга мувофиқ. Мазкур концепция шахсни биометрик идентификация қилишга оид асосий тушунчалар, унинг мақсади ва ривожланиш йўналишлари, умуммиллий биометрик идентификация қилиш соҳасида давлат томонидан тартибга солиш белгиланиши, биометрик технологиялардан фойдаланишдаги мавжуд вазият таҳлил қилинган ҳолда, шахсни биометрик идентификация қилиш соҳасини ривожлантириш истиқболларини назарда тутиши лозим.

### **III. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган илмий-амалий хулоса ва тавсиялар**

1. Ушланган шахсларнинг қадам ташлаши бўйича маълумотларни тўплаш, уларнинг функционал ва динамик хусусиятлар маълумотлар базасини яратиш, шунингдек очилмаган жиноятларнинг видеотекасини яратиш мақсадга мувофиқ.

2. Фоноскопик ёзувлар «телефон» фирибгарлиги, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдоси билан боғлиқ жиноятлар сонининг ортиши туфайли жиноятчиликка қарши курашда кураш воситалари доирасини сезиларли даражада кенгайтиришга имкон беради. Чунки бунда телефон орқали суҳбат ёзувлари далил сифатида мавжуд бўлади.

ЭЖБМ базасида фонотеканинг электрон базасини яратишни таклиф этамиз. Бу орқали эса бутун республика бўйлаб олинган аудиоматериалларни марказлашган ҳолда текшириш имкони юзага келади.

3. Биометрик маълумотларни таҳлил қилиш ва қайта ишлаш мақсадида ШХТга аъзо давлатлар ШХТ МАТ негизида террорчилик жиноятларини содир этганлик ёки содир этганликда гумон қилинганлик учун халқаро қидирувга берилган шахсларнинг интеграллашган биометрик маълумотлар базаларини яратиш лозим. Қидирилаётган террорчилар бармоқ излари, юз қиёфалари фотосурати ва геном маълумотларини тизимли шакллантириш, халқаро интеграциялашган маълумотлар базасини яратиш мамлакатларнинг мазкур ташкилотга аъзо давлатлар ҳудудида террорчилик ҳаракатларини режалаштириш ёки содир этишда гумон қилинган шахсларни тезкорлик билан идентификация қилиш имконини беради.

4. Биометрик маълумотларнинг умумий ва махсус сегментларидан иборат биометрик идентификациялашнинг ягона давлат тизимини яратиш таклиф этилади. Бош сегментда банк ва давлат хизматларини амалга ошириш, биометрик ҳужжатларни олиш пайтида олинган биометрик маълумотлар бўлади. Махсус сегментда гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, маъмурий ҳибсга олиниши лозим бўлган шахсларнинг биометрик, номаълум мурдаларнинг маълумотлари, қидирувда бўлган шахслар ва бошқалар мавжуд бўлади.

5. Ҳозирги замонда ижтимоий тармоқлар жиноят ҳуқуқи нуқтаи назаридан аҳамиятга эга бўлган маълумотлар, жумладан жиноятчининг шахси, унинг фаолият тури, яшаш жойи, танишлар доираси, жиноятга сабаб воқеа, жабрланувчининг жойлашган жойи ва бошқа шу ҳақидаги маълумотларнинг муҳим манбаси бўлгани боис ижтимоий тармоқлардан бундай маълумотларни олиш учун қиёфани идентификация қилиш технологиясини жорий этиш долзарб аҳамият касб этади.

6. Интернетда ёлғон маълумот, тухмат ва инсон шахсиятини ҳақоратловчи маълумотларнинг тарқалишини камайтириш учун рақамли маконда, ижтимоий тармоқларда ва веб-сайтларда авторизация қилиш учун биометрик идентификаторлардан фойдаланишни жорий этиш мақсадга мувофиқ.

7. «Электрон жиноят иши» лойиҳаси доирасида келгусида бармоқ излари ёки электрон имзолар ёрдамида тергов ҳаракатлари баённомаларини «имзолаш» имкони юзага келади. Шахснинг биометрик параметрлари «жиноят процесси

иштирокчисининг рақамли идентификатори»ни шакллантириш воситаси сифатида қўлланилиши мумкин. Бармоқ изларини шахснинг биометрик идентификаторлари сифатида киритиш бир вақтнинг ўзида иккита муаммони ҳал қилишга имкон беради: процессуал ҳаракатлар бориши ва натижаларининг ҳақиқийлигини тасдиқлаш; тергов ёки суд ҳаракати иштирокчисининг шахсини аниқлаш (тасдиқлаш).

8. «Электрон суриштирув ва дастлабки тергов» ягона ахборот тизимига киришни текшириш мақсадида *суриштирувчи ёки терговчи томонидан биометрик идентификация қилиш воситаларини* қўллаш мақсадга мувофиқ.

9. Барча давлат ахборот тизимларини интеграция қилиш орқали Катта маълумотлар базаси (BigData) яратилиши қидирилаётган шахснинг яшаш жойи, оилавий аҳволи, борадиган манзиллари, алоқалари, транспорт воситаси тўғрисида тўлиқ маълумот олишга имкон беради.

10. Қидирилаётган шахслар ва террорчиларни тезкор аниқлаш, ҳибсга олиш учун АСИЛда қидирилаётган шахслар ва террорчилар тасвирлари бўлган маълумотлар базасининг алоҳида сегментини яратиш зарур.

11. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлиш хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек бахтсиз ҳодисалар юз берганда уларни тезкор аниқлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келаётган фуқароларни паспорт назорати пайтида бармоқ изларини олишни жорий этиш таклиф этилади.

12. Жиноятларни очиш ва тергов қилишда шахсни биометрик идентификация қилиш самарадорлигини ошириш мақсадида биометрик маълумотларни олиш, қўллаш, сақлаш, узатиш, қайта ишлаш, янгилаш мақсадида терговга қадар текширув, суриштирув, тергов органлари, судлар, жиноятчиликни олдини олиш хизматлари, пенитенциар муассасалар, тиббиёт муассасалари, суд-экспертиза муассасаларининг комплекс ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш зарур.

13. Жазони ижро этиш муассасаларга олиб келинганларнинг шахси ва судланганлик ҳолатини аниқлаш, коррупцион хавфларни минималлаштириш, ички тартиб қоидаларга риоя этиш устидан назоратни таъминлаш учун биометрик идентификацион технологиялардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

14. Жиноят ишлари бўйича ишончли далиллар базасини шакллантириш мақсадида дипфейк (Deepfake)ларни аниқлаш бўйича компьютер-техник, видео-техник, фоноскопик ва бошқа турдаги суд экспертизаси тадқиқотлардан комплекс фойдаланиш лозим.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.31/30.12.2019.Yu.25.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ АКАДЕМИИ МИНИСТЕРСТВА  
ВНУТРЕННИХ ДЕЛ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

---

**МИНИСТЕРСТВО ВНУТРЕННИХ ДЕЛ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН  
АКАДЕМИЯ**

**ЮГАЙ ЛЮДМИЛА ЮРЬЕВНА**

**ИННОВАЦИОННЫЕ ПОДХОДЫ В ИСПОЛЬЗОВАНИИ  
БИОМЕТРИЧЕСКОЙ ИДЕНТИФИКАЦИИ ЛИЧНОСТИ  
В РАСКРЫТИИ И РАССЛЕДОВАНИИ ПРЕСТУПЛЕНИЙ**

**12.00.09 – Уголовный процесс. Криминалистика, оперативно-розыскное право  
и судебная экспертиза**

**АВТОРЕФЕРАТ  
диссертации доктора юридических наук (DSc)**

**Ташкент – 2023**

Тема докторской (DSc) диссертации зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2021.3.DSc/Yu178.

Диссертация выполнена в Академии Министерства внутренних дел Республики Узбеки

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекском, русском, английском) на веб-сайте Научного совета [www.akad.mvd.uz-ilmiy-kengash](http://www.akad.mvd.uz-ilmiy-kengash) и Информационно-образовательном портале «Ziynet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный консультант:** **Расулев Абдулазиз Каримович,**  
доктор юридических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Тухташева Умида Абдиловна,**  
доктор юридических наук, профессор

**Ражабова Мавжуда Абдуллаевна,**  
доктор юридических наук, профессор

**Рахмонова Сурайё Махмудовна,**  
доктор юридических наук, профессор

**Ведущая организация:** **Ташкентский государственный юридический университет**

Защита диссертации состоится 3 февраля 2023 года в 14.30 часов на заседании Научного совета № DSc.31/30.12.2019.Yu.25.02 при Академии Министерства внутренних дел Республики Узбекистан (Адрес: 100197, г.Ташкент, ул. Интизор, 68. Тел./факс: (99871) 265-22-52; e-mail: [info@akad.mvd.uz](mailto:info@akad.mvd.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Академии Министерства внутренних дел (зарегистрирована за №1268). (Адрес: 100197, г.Ташкент, ул. Интизор, 68. Тел.: (99871) 265-22-52).

Автореферат диссертации разослан 18 января 2023 года.

(протокол реестра № 3 от 18 января 2023 года).



**А.С. Турсунов**  
Председатель, Научного совета по  
присуждению учёных степеней, доктор  
юридических наук, профессор

**Дж.Х. Юлдашев**  
Учёный секретарь Научного совета по  
присуждению учёных степеней, доктор  
юридических наук, доцент

**М.З. Зиёдуллаев**  
Председатель Научного семинара при  
Научном совете по присуждению ученых  
степеней, доктор юридических наук,  
профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской (DSc) диссертации)

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире в условиях глобального технологического развития, изменений в социально-экономической и политической сфере, обострения региональных и вооруженных конфликтов, роста киберпреступности, религиозного экстремизма, возрастания миграционных процессов, увеличения объема перевозок и пассажиропотоков через границы, антропогенных катастроф особое значение приобретает необходимость развития надежных средств идентификации личности. По данным Управления ООН по наркотикам и преступности, количество убийств в Северной и Южной Америке составляет 15,6 случая на 100 тыс. населения, а в Африке – 17,4 случая на 100 тыс. населения. В Азиатском регионе величина коэффициента колеблется в пределах 2,4 – 4,3 случая на 100 тыс. населения<sup>1</sup>. Общая численность жертв торговли людьми насчитывается свыше 40 млн человек<sup>2</sup>. Вышеуказанное, в свою очередь, требует внедрения инновационных достижений современной криминалистической науки, которые позволяют использовать средства и методы биометрической идентификации в целях раскрытия и расследования данных преступлений.

В мире проводятся научно-исследовательские работы по концептуальному изучению теоретических аспектов формирования и тенденций развития криминалистической идентификации личности, определению новых судебно-экспертных методов идентификации личности, идентификации личности неопознанных трупов, а также розыска лиц, совершивших преступление. В этом направлении все большую актуальность приобретают совершенствование правовых механизмов и способов использования криминалистической биометрической регистрации, поиск научных и теоретических решений по сбору, хранению, использованию и обмену биометрической информацией, а также приоритетных направлений и перспектив развития биометрической идентификации личности в деятельности по раскрытию и расследованию преступлений.

В Новом Узбекистане в рамках Стратегии действий и Стратегии развития осуществляются широкомасштабные реформы по совершенствованию мер использования биометрических систем идентификации личности, внедрены биометрические документы, ведётся работа по введению Единой биометрической системы, повсеместно установлены системы видеонаблюдения в рамках реализации аппаратно-программного комплекса «Безопасный город», с 2023 г. внедряется геномная регистрация. В результате, в 2020 г. наблюдался рост установленных лиц по фото- и видеоучёту на 128%, а в 2021 г. – на 729% (с учетом внедрения АПК «Безопасный город»); количество изъятых биологических следов в 2019 г. возросло на 26%, 2021 г. – на 36% по сравнению с предыдущими годами<sup>3</sup>. Вышеуказанное предполагает внедрение

<sup>1</sup> [https://www.unodc.org/documents/data-and-analysis/statistics/Homicide/Global\\_homicide\\_Russian.pdf](https://www.unodc.org/documents/data-and-analysis/statistics/Homicide/Global_homicide_Russian.pdf)

<sup>2</sup> [https://www.unodc.org/documents/data-and-analysis/glotip/2018/GLOTiP\\_2018\\_BOOK\\_web.pdf](https://www.unodc.org/documents/data-and-analysis/glotip/2018/GLOTiP_2018_BOOK_web.pdf)

<sup>3</sup> Статистические показатели ГЭКЦ МВД Республики Узбекистан за 2019-2021 гг.

инноваций в использовании различных видов проверок по биометрическим криминалистическим учетам, совершенствование правового регулирования, изучение и имплементацию передового зарубежного опыта в сфере оборота биометрических данных, а также необходимость углубленного исследования инновационных подходов в использовании новых программно-аппаратных средств, методов и задач применения биометрической идентификации личности в раскрытии и расследовании преступлений.

Данное диссертационное исследование в определенной степени послужит реализации задач, предусмотренных в Законе Республики Узбекистан «О государственной геномной регистрации» № ЗРУ-649, Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022 – 2026 годы» № УП-60 от 28 января 2022 г., указе Президента Республики Узбекистан «О мерах по совершенствованию судебно-экспертной системы в Республике Узбекистан» № УП-6256 от 5 июля 2021 г., постановлениях Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему совершенствованию судебно-экспертной деятельности» № УП-4125 от 17 января 2019 г., «О мерах по дальнейшему совершенствованию экспертно-криминалистической деятельности органов внутренних дел с широким внедрением достижений современной науки» № УП-122 от 8 февраля 2022 г., постановлениях Кабинета Министров Республики Узбекистан «О мерах по широкому внедрению информационных технологий в деятельность органов внутренних дел» № 645 от 15 октября 2021 г., «От утверждении Положения о порядке геномной регистрации» № 689 от 17 ноября 2021 г., «О мерах по внедрению современных информационных технологий в деятельность патрульно-постовой службы органов внутренних дел» № 399 от 22 июля 2022 г. и других нормативно-правовых актах, регулирующих данную сферу.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Формирование системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовном и образовательном развитии информированного общества и демократического государства и пути их реализации».

**Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации<sup>4</sup>.** Научные работы по использованию биометрической идентификации личности в раскрытии и расследовании преступлений осуществляются в ведущих научных центрах и высших образовательных учреждениях мира, в частности Американском университете Армении (Армения), Джорджтаунском университете, Гарвардском университете (США), Лёвенском католическом университете (Бельгия), Кембриджском университете (Великобритания), Университете Мишкольца (Венгрия), Государственном университете в Мирроране (Япония), Российском государственном университете правосудия, Академии управления Министерства внутренних дел России, Краснодарском

---

<sup>4</sup> Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации раскрыт на основе следующих источников: [www.harvard.edu](http://www.harvard.edu), <https://www.hu-berlin.de/de> <https://мосу.мвд.рф>, <http://akadmvd.uz>, [сгюа.рф](http://сгюа.рф), [mail.va-mvd.ru](mailto:mail.va-mvd.ru), <http://law.edu.ru>.

университете МВД России, Кубанский государственный институт (Российская Федерация), Академии Министерства внутренних дел Республики Беларусь (Республика Беларусь), Карагандинской Академии Министерства внутренних дел Республики Казахстан (Республика Казахстан), Академии Министерства внутренних дел Республики Узбекистан (Узбекистан).

В мире по итогам проведенных исследований, направленных на совершенствование использования биометрических технологий, достигнуты следующие научные результаты: обоснована необходимость соответствующего правового обеспечения при обработке биометрических данных как чувствительной категории персональных данных в целях защиты от хищения, неправомерного использования или передачи (Лёвенский католический университет), разработан алгоритм распознавания по радужной оболочке глаз (Кембриджский университет), обоснована необходимость электронной регистрации граждан по причине необходимости решения правоохранительных и иных социально-экономических, а также общественно-политических задач (Академия управления Министерства внутренних дел России), обоснована необходимость использования потожировых следов в качестве объекта судебно-биологической экспертизы ДНК, одорологической экспертизы, а также в целях установления их давности образования (Российский государственный университет правосудия), обоснована необходимость использования в криминалистических учетах биометрической идентификации личности (Кубанский государственный институт), обоснована область криминалистически значимых биометрических параметров человека, представляющих интерес в сфере правоохранительной деятельности, а также необходимость всеобщей дактилоскопической регистрации (Краснодарский университет Министерства внутренних дел России).

В мире проводится ряд исследовательских работ, связанных с проблемами использования технологий биометрической идентификации, в частности, по следующим приоритетным направлениям: использование биометрической идентификации в качестве государственной регистрации граждан в правоохранительных целях; совершенствование использования биометрических документов; использование геномной регистрации; совершенствование организации биометрических систем идентификации и обеспечение охраны персональных данных; обеспечение информационной безопасности биометрических персональных данных.

**Степень изученности проблемы.** В Узбекистане отдельные вопросы по использованию биометрической идентификации личности были изучены Г.А. Абдумажидовым, И.Р. Астановым, Л.П. Бакановой, С.Н. Гордеевым, Т.Б. Маматкуловым, А.А. Матчановым, Б.Б. Муродовым, М.А. Раджабовой, Б.А. Ражабовым, Т.Р. Сайтбаевым, А.А. Хамдамовым и другими. В частности, Р.К. Кабулов, Э.С. Абдурахманов, А.К. Расулев исследовали комплексные меры обеспечения информационной безопасности. Т.Р. Сайтбаев исследовал вопросы использования признаков внешности человека при проведении розыскных

мероприятий. Б.Б. Муродов исследовал вопросы создания геномных баз данных, А.А. Матчанов – криминалистические аспекты розыска лиц<sup>5</sup>.

Различные аспекты использования биометрических технологий изучены в Европе со стороны John G. Daugman, P. Gill, A. J. Jeffreys, D. J. Werret, в США Khalid Saeed, H. Hollien W. W. Bledsoe, I. Browning, P. J. Phillips Moon Hyeonjoon, S. A. Rizvi, P. J. Rauss, P. Viola, M. Jones, E. Westly, в Японии Tomomasa Nagashima.

В СНГ такие ученые, как А.М. Зинин, Е.П. Клипко, С.М. Милуков, Г.И. Поврезнюк исследовали проблемы идентификации по чертам внешности. Е.Г. Барковская, Д.Ю. Писарев – использование биометрических параметров человека при раскрытии и расследовании преступлений, И.В. Стороженко, О.А. Сазонов – использование геномной регистрации, В.К. Кирвель – фальсификации поддельных отпечатков пальцев, создание «искусственных» ДНК, химеризма, А.С. Мальцев, В.О. Петросян – идентификацию лиц в случаях, связанных с безвестным исчезновением граждан, Р.В. Бондаренко, В.С. Зубаха, А.С. Копанев, А.С. Самищенко, А.С. Яковлева – использование автоматизированных дактилоскопических учетов.

В нашей республике также защитили кандидатские и докторские диссертации на темы, затрагивающие вопросы использования биометрической идентификации лиц: Дж.Х. Юлдашев «Совершенствование правового регулирования гражданства Республики Узбекистан», Б.И. Эгамбердиев «Совершенствование деятельности органов внутренних дел в сфере миграционных процессов», С.Д. Джолдасова «Совершенствование правового регулирования сферы миграции в Узбекистане».

Вместе с тем в условиях осуществляемых в стране судебно-правовых реформ, с учетом законодательной и правоприменительной практики, общепризнанных международных правовых норм и передового зарубежного опыта вопросы инновационных подходов в использовании биометрической идентификации личности в раскрытии и расследовании преступлений в республике комплексно не исследовались.

**Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация.** Диссертационное исследование выполнено в рамках плана научно-исследовательских работ Академии МВД Республики Узбекистан (2022–2023) на тему: «Совершенствование использования криминалистических экспертиз в расследовании преступлений».

**Цель исследования** состоит в разработке комплекса научно обоснованных предложений и рекомендаций, направленных на разработку инновационных решений правовых, методических и технико-криминалистических основ использования биометрической идентификации личности при раскрытии и расследовании преступлений.

---

<sup>5</sup> Эти и другие источники приведены в списке использованной литературы диссертации.

### **Задачи исследования:**

анализ теоретико-методологических аспектов инновационных подходов в биометрической идентификации личности при раскрытии и расследовании преступлений;

изучение генезиса биометрической идентификации в раскрытии и расследовании преступления, классификационный анализ биометрических технологий идентификации личности;

изучение биометрической идентификации личности по статическим и функционально-динамическим признакам в раскрытии и расследовании преступлений;

исследование международной стандартизации и конвенционного нормотворчества в сфере биометрической идентификации личности человека;

сравнительно-правовой анализ норм зарубежного и национального законодательства, обеспечивающих использование биометрической идентификации личности в раскрытии и расследовании преступлений;

разработка научно обоснованных предложений по совершенствованию технико-криминалистических, тактико-криминалистических и методико-криминалистических аспектов по внедрению инноваций биометрической идентификации личности в раскрытии и расследовании преступлений;

разработка научно-практических предложений по обеспечению безопасности биометрических персональных данных.

**Объектом исследования** является система общественно-правовых отношений, связанных с инновационными подходами использования биометрической идентификации личности в раскрытии и расследовании преступлений.

**Предмет исследования** составляют нормативно-правовые акты, регулирующие использование биометрической идентификации личности при раскрытии и расследовании преступлений, практика их использования, инновационные решения, а также концептуальные подходы и научно-теоретические взгляды в юридической науке.

**Методы исследования.** В ходе исследования были использованы методы анализа, синтеза, индукции, дедукции, исторический и системный анализ, социологический опрос, наблюдение, логические методы научного познания.

**Научная новизна исследования** состоит в следующем:

